

АРХИВЛАР ФОНДЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХ ТАЛАБИ (КОНЕМИХ ТУМАНИ АРХИВИ МИСОЛИДА)

*Навоий давлат педагогика институти (Ўзбекистон)
доценти (PhD) Холикулова Шахноза Боймухамматовна
Магистр Маматиаринов Нурхан Женисович*

Аннотация: ушбу мақолада муаллиф тарихнинг очилмаган саҳафаларини ўрганишда, тадқиқ қилишда туман архивларинг ўрни ёритиб берилган. Архив ишини ташкил этишда Республика миқёсида мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ва қонунчилик Конемих тумани архивида акс этиши кўрсатилиб берилган.

Калит сўзлар: Архив, архив қонунчилиги, архив фондлари, Конемих тумани архиви, сақлов бирликлар, ахборот технологиялари, электрон ҳужжат алмашунуви, маблағни ошириш

Тарихни билиш ва ўрганиш ҳар бир тарихчини бурчи ҳисобланади. Чунки Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз буюк давлат, буюк тарих, буюк маданият яратган халқмиз!”[1] Ҳаққоний тарихни ўз қамровига олган манбалардан бири эса, архив ҳужжатлари ҳисобланади. Ўзбекистон тарихининг маълум кичик ҳудудларини ўрганиш орқали тарихни бир бутун эканлигини билишимиз мумкин. Минтақалар тарихини ўрганишда шу ҳудуднинг Архив фондларида жойлашган ҳужжатлар бирламчи манбадир. Юртимизда биринчи архив бундан қарийб юз йил муқаддам, аниқроғи 1919 йили ташкил этилган булиб, 90 йил мобайнида унинг сони юздан ошиб кетди. Хозирги кунга келиб Ўзбекистонда 3 та Марказий давлат архивлари ва 100 дан зиёд давлат архивлари фаолият юритиб келмоқда[2].

Катта тарихнинг кичик қисми сифатида Навоий вилояти Конемих тумани тарихини туман архиви фондлари маълумотлари асосида ўрганиш мавзунинг долзарблигини билдиради.

Навоий вилояти Конемех тумани давлат архиви собиқ Ўз.ССР Олий кенгаш Президиумининг 1982 йил 20 апрелдаги 2247-Х-сон фармони асосида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1982 йил 30 апрелдаги 3304-сон қарорига асосан Навоий вилояти ташкил этилгандан сўнг, Навоий вилояти ҳокимининг 1982 йил 15 октябрдаги “Навоий вилояти давлат архивининг ҳудудларда филиалларини тузиш ҳақида”ги Қ-249/7-сон қарорига асосан Навоий вилояти Конемех тумани давлат архиви филиали ташкил этилган[3].

1988 йил 6 сентябрда Ўзбекистон ССР Президиуми Олий кенгашининг Фармони билан Навоий вилояти Самарқанд вилоятига қўшилди, Конимех тумани Самарқанд вилояти таркибига киритилди.

1989 йил 16 майда Ўзбекистон ССР Олий кенгаши Президиумининг Фармони билан “Самарқанд вилоятини қисман чегарасини берилиши” тўғрисида фармон қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Министрлар кенгаши 1989 йил 19 майда қабул қилинган 148-р фармойиши асосида “Самарқанд вилоятининг қисман чегаралари Бухоро вилоятига берилди”. Шу сабабли Конимех тумани ўзининг чегара бирликлари билан Бухоро вилояти таркибига киритилди[4].

Ўзбекистон ССР Олий кенгаши Президиумининг 1992 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасида Навоий вилояти қайта тиклаш” тўғрисидаги 3535-ХП сонли қарорига асосан Навоий вилояти ўзининг белгиланган чегаралари билан қайта ташкил этилди.

Навоий вилояти ҳокимининг 1993 йил 7 январдаги К-01/3-сон қарори билан Навоий вилояти давлат архивининг Конимех тумани филиали бўлиб фаолиятини давом эттирган[5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигининг 2012 йил 2-майдаги 37-сон буйруғи ҳамда Конимех тумани ҳокимининг 2012 йил 12 октябрдаги К-516-сон қарорига асосан Навоий вилояти давлат архивининг Конимех тумани филиали қайта рўйхатдан ўтиб Конимех тумани давлат архиви номи билан фаолият юритиб келмоқда[6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2015 йил 9 декабрдаги “Архив иши ва давлат сақловидаги архив ҳужжатларини сақланиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги 99-а-сон баёнига асосан Навоий вилояти ҳокими ҳамда Навоий вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи ташаббуси билан Навоий вилояти ҳокимлигининг ҳисобида бўлган бўш турган биносини Конимех тумани ҳокимининг 2016 йил 3 майдаги Ф-25 сон фармойиши билан архив иши ва давлат сақловидаги архив ҳужжатларини сақланишини яхшилаш мақсадида Бунёдкор кўчаси 9-сон уйда жойлашган 2 қаватли, 11 хонадан иборат, ер участкаси 600 кв.м умумий майдони 587.9 кв.м бўлган бино Конимех тумани давлат архиви балансига бепул берилди[7].

Ҳозирги кунда хоналар замонавий техника воситалари билан замон талаблар асосида жиҳозланган. Ходимларларнинг иши унумли бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Конимех тумани давлат архиви мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 05 апрелдаги 101-сонли

“Ўзбекистон Республикасида архив ишени такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида фаолиятини ташкил этиб, қуйидаги ютуқларга эришди.

2021 йилнинг 01 январь ҳолатига фондлар сони **199** тага, ҳужжатлар сони **19599** сақлов бирликка етказилди

АКТни жорий қилиш бўйича, ҳозирги кунда энг охири русумдаги **4 та**, яъни ҳар бир ходимга алоҳида, сетга уланган компютерлар мавжуд. Конимех тумани давлат архивининг интернетдаги <https://www.facebook.com/konimexarxiv> номли сайти мавжуд, konimex_arxiv29@inbox.uz электрон ҳужжат айланиш тизими жорий этилган[8].

Мустақиллик йилларида Конимех тумани давлат архиви ходимларининг республиканинг марказий давлат архивларида тизимли малака ошириш курсларида иштироки таъминланиб, тегишли сертификатларга эга бўлиб келишмоқда.

Конимех тумани давлат архивида 2 та ҳужжатлар сақловхонаси мавжуд бўлиб, 2021 йилнинг 01 январь ҳолатида сиғимдорлиги **24,4 %** ташкил қилади, 2016-2018 йиллар оралиғида эски русумдаги қўлбола стеллажлар ўрнига, **19,5 млн. сўмлик 12 дона**, замонавий стеллажлар олиниб ўрнатилди.

Конимех тумани давлат архиви 1992 йилгача пуллик хизмат фақат ташкилот ҳужжатларига илмий-техник ишлов бериш учун жорий қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 05 апрелдаги 101-сонли “Ўзбекистон Республикасида архив ишени такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилингандан сўнг пуллик хизмат турлари **5 тага** етказилди. Шундан келиб чиқиб сақловдаги ҳужжатлар асосида мустақиллик даврида ўртача ҳар йилда ташкилотларнинг идоравий архив ҳужжатларига илмий-техник ишлов бериб, давлат сақловига қабул қилиш ўртача ҳисобида – **60,0 млн. сўмлик**, жисмоний ва юридик шахсларнинг мавзули сўровларини ижро этиш ҳисобидан – **1,5 млн. сўмлик** ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга 10 йилдан ортиқ давр учун ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги архив маълумотномаларини тайёрлаб бериш ҳисобидан – **7,5 млн. сўмлик** пуллик хизматлар кўрсатилиб келинмоқда[9].

Конимех тумани давлат архивида мустақиллик йиллари давомида архив моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Конимех тумани хокимлигининг 2016 йил 3 майдаги Ф-25-сон фармойишига асосан Туман хокимлигига қарашли Бунёдкор кўчаси 9-сон биноси тегишли ҳудуди билан бирга Конимех тумани давлат архиви балансига ўтказилиб, жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун бюджет маблағларидан **50,0 млн.сўм** ажратилиб қисман таъмирланди. 2020 йил Конимех

тумани давлат архивининг таъмирлаш ишларидан якунига етмай қолган қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан **165,0** млн. сўм ажратилиб таъмирлашари якунига етказилди[10].

Хулоса қилиб айтганда, Конемих тумани ташкил этилиши ва унинг шу давр мобайнидаги тарихий тараққиёти ёки туман тарихининг турли соҳаларлардаги маълумотини олиш учун Конемих тумани давлат архиви фондлари манба сифатида хизмат қилади. Туман архиви дастлаб ташкил этилган даврида ихсослаштирилмаган ва фондларни сақлаш учун мослашмаган бинода эди. Дастлаб Навоий вилояти давлат архивининг филиали сифатида иш бошлаган архив бугунги кунда Конемих тумани архиви номи билан фаолиятини давом эттирмоқда. Мустақиллик йилларида тарихга ва архив ишига эътибор кучайтирилиши натижасида архив фондлари ва сақлов бирликлари сони кенгайди. Аҳолига ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш орқалик хўжалик шартномалари орқали маблағларни жалб қилиш хизматлари кенгайди. Давлат бюджети асосида янги замонавий архив биноси қуриб фойдаланишга топширилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси . "Ўзкимёсаноат" АЖ // uzkimyosanoat.uz.27.12.2020 йил
2. Кучарова.Д. Архивлар – тарих кўзгуси , хужжатли асосга таянган йирик ахборот манбаи... <https://uza.uz/>
3. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари
4. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари
5. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари
6. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари
7. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари
8. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари
9. Конемих тумани давлат архиви жорий фонди маълумотлари